





# ДИЛ СЎЗЛАРИ

# Айтар сўзимиз ҳам олтин бўлмоғи керак!

...Бугун 18 йил бурун таъсис этилган ва телевидение йўналиши бўйича “Яхшилик” туркумидаги кўрсатувларим учун нуфузли “Олтин қалам” Миллый мукофотига сазовор бўлганим 2006 йил беихтиёр ёдимга тушаётир. Ўшанда бу танловда юздан зиёд ҳамкасларим турли йўналишлар бўйича ўзларининг бир ярим мингдан кўпроқ ижодий ишлари билан қатнашган ва бу ўзига хос синовнинг аҳамияти, қадр-қиммати бугунги кундагидек кенг миёсда тарғиб этилмагани рост. Нега айнан бу рақамларга ургу беряпман? Боиси, кейинги йилларда миллый журналистикамиз фақатгина сон жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам анча ўсди, тарақкий этди.

Алоҳида университет, худудларда факультетлар, хорижий типларга ихтинослашган мутахассис кадрлар тайёрланаётгани, босма, радио-телефизидение, интернет, ижтимоий тармоқлардаги фаоллашув, мунозаралар майдонининг кенгайиши, фикрлар хилма-хиллиги... ҳамма-ҳаммаси соҳада ўзига хос тараққиёт рўй беряётганини кўрсатмоқда. Шу маънода “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун ўтказиләётган бу халқаро танлов ўзнуфузи, даражаси, қамрови бўйича



Норқобил ЖАЛИЛОВ  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
журналист  
ХI asr” газетаси Бош мухаррири  
“Олтин қалам” XVIII Миллий  
кофоти учун халқаро танловнини  
Энг яхши журналистик материалы  
чун (босма нашрлар)” йўналиши  
бўйича З-ўрин соҳиби

дунё аҳамиятига молик тадбирлардан бирига айланди дейишга тўла асоси бор деб ўйлайман.

Яна бир савол қаршисида ўйлаб қолади одам: хўш, кам эмас, тасаввур

қилинг, ўтган 18 йил оралиғида “Олтитин қалам” мукофоти соҳиби бўлган (ижодий жамоаларни эмас, бевосита қаламкашларни назарда тутяпман ярим мингдан ошиқроқ ҳамкасбла римиз ана шу масъулиятли соҳа, ма шаққатли касбларига қай даражада содик қола олдилар? Ва табиийки, биз ўз бурчимизни, юртга, халққа садоқа тимиизни қандай оқляяпмиз? Бу каби оғриқли саволларга жавоб берадиган фурсат етиб келди-да. Негаки, ўтган каттагина муддат ичида жамият бутунлай ўзгарди, талаб энди бошқача одамлар ҳам кечаги лоқайд, бефарқ томошабинга айланиб қолган оломон эмас. Ҳар ким ўз ҳақ-хуқуқи, қонуний манфаатини таниш баробарида ўз фуқаролик позициясини қандай ҳисбият моя қилишни ҳам билади. Қолаверса бугунги кунда юртимизда сўз эркинлиги, демократик тамойилларни ислоҳ этиш, ОАВни босқичма-босқич қўллаб-кувватлаш борасида сезиңларли амалий ишлар қилинаётгани ҳам ҳақиқат.

Эслайлик, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмандони Шавкат Мирзиёев 12 январь куни бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг Қуролли Кучлар ва ҳарбий-маъмурӣ секторларнинг 2023 йилдаги фаолияти якун

лари ва яқин истиқболга мұлжалланға вазифалар мұхокамасига бағишилдан көнгайтирилған йиғилишида ". Агар биз Ўзбекистон ахборот маконидеги миллій контент яратышни ўз күли мизга олмас эканмиз, дунёдаги воқеаларга миллій манбаатларимиз нұқта назаридан баҳо бермас эканмиз, бишлар хориждан туриб амалга оширилишига имкон яратып берган бўла миз. Чунки одамлардаги янгилик, таълимий маълумот, реал воқеаларга бўлган эҳтиёжни биз қондирмас эканмиз, буни бошқалар қиласди. Бунга мутлақ йўл кўйиб бўлмайди. Ҳар қандай танқид дга жавоб бериш керак. Журналист ҳа бўлса, буни тан олишимиз керак. Ноҳа бўлса, унга тушунтириш орқали ёлғоз хабарларнинг олдини олишга ўргани шимиз ва бутун жамиятимизга шундаки тушунтиришимиз керак, бу нопок ва ёлғонлигини" деба "тўртични ҳокимият вакиллари зыммасига қандай долзар ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалар юкланаётганига алоҳида урғу берилб үтган эди. Бу бежиз эмас, албаттада Шундай экан, бу ғоят мураккаб ва шаррафли соҳага ҳаёті, тақдирли боғланған ҳар бир журналист, ижодкор, бисбет сўз билан айтганда, оммавий ахборот воситаси вакили буғунги мураккаб гlos баллашув даврида замондан, тараққиётдан ортда қолишига асло ҳаққи йўқ.



Икром АВВАЛБОЕВ,  
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги марказ бошлиги ўринбосари,  
“Олтин қалам” XVIII Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг “Энг яхши  
журналистик материал учун (интернет нашрлари)” йўналиши бўйича  
1-ўрин соҳиби.

# СҮЗ ЭРКИНЛИГИ МАСЪУЛИЯТДИР

Отам қишлоқ хұжалигининг одами эди. Бөгдорчилек илмини яхши биларди, лекин ижодға ҳам бегона әмасди. Раҳматли шеър машқ қилиб юрарди. Айтмоқчи бүлганим, журналистикаға қызықишим қондан үтган.

олиб чиқаётган энг таъсирчан куч ом-  
мавий ахборот воситалари эканини  
таъкидлайди. Шунингдек, ҳақиқат ва  
адолатни ўз эътиқоди деб биладиган  
журналистларни қўллаб-қувватла-  
шини кўп айтади.

Шилдүүлгүүнчиди.

Бугун бу борада жамиятимизда сүз ва амал – бир. Шундай экан, мана шу имкониятдан самараали фойдаланишимиз лозим. Исплоҳотларнинг фаол иштирокчиси, халқ манфаати йўлида қабул қилинаётган хужжатларнинг мохиятини барчага тушунарли тилда етказувчилар бўлишишимиз керак.

Мақолаларимда давлат раҳбарининг ташрифлари, жойлардаги ўзгаришлар, қабул қилинаётган қарор ва фармонлар шарҳига алоҳида эътибор қаратаман. Нима бўлса, борича кўрсатишга уринаман.

Сүз эркинлигининг имкониятларидан тўла фойдаланиш асносида унинг масъулиятини доим ҳис қилиб тураман. Устозларнинг шу ўгитларига амал қилиб, бугун мана шундай катта эътирофга сазовор бўлдим. “Олтин қалам” Миллый мукофоти учун халқаро танловнинг ғолиблари қаторида бўлганим менга қувонч ва янада катта масъулият юклайди

# БУТУН ЖАМОАМИЗ МУВАФФАКИЯТИ



Умида ГАФФОРОВА,  
“Mahalla” радиоканали “Маънавий-маърифий, кўнгилочар ва мусиқий  
дастурлар” мухарририятигининг бўлим мудири,  
Олтин қалам” XVIII Миллый мукофоти учун халқаро танловининг Энг яхши

“Олтин қалам” халқаро танловида совриндор бўлиш қалам тебрататётган барча ижодкор журналистларнинг орзуси бўлса керак десам янгишмайман. Чунки ҳар қандай тамагирлиқдан холи равишда ҳар бир ижодкорнинг ўз фаолияти натижасини кўриши, бажараётган иши ҳақиқатан ҳам манфаатли бўляптими, йўқми, шунга ишонч ҳосил қилгиси келади. Ушбу танлов эса ижодкорларга мана шу ишончни берга оладиган, журналисти ни маълум маънода эътироф этидиган катта майдонидир.

Бугун мана шу майдонда “Маҳалла радиоканапи журналисти сифатидан

эътироф этилаётганимиз, албатта, жуда кувончли. Ижодкор, айниқса, радио, телевидение журналистлари жамоавий ҳолатда ишлайди. Журналист билан бир қаторда режиссёр, операторларимиз ҳам тер тўкишади. Демак, бу ғолиблик ортида бутун жамоанинг ҳиссаси бор. Фурсатдан фойдаланиб, аввало, менинг ижодкор бўлиб этишишимга ўзларининг меҳри, дуолари билан мададкор бўлган ота-онамга, кўллаб-куватлаб келаётган оиласмага ва албатта, қадрли ижодий жамоамизга катта минназарорлик билдираман.

ката миннадорлик билдираман.  
Шунинг баробарида эшилтиришларимда иштирок этган барча соҳа мутахассисларига ҳам катта раҳмат. Уларсиз муваффакиятга етишиш қийин бўйарли албатта



**Холмурод САЛИМОВ**  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б.  
“Олтин қалам” XVIII Миллий мукофоти учун  
халқаро танлов ташкилий кўмитаси раиси





ТАЪЛИМ

# Дорилфууннинг истиқболи йўли

Бугун мамлакатимизнинг барча соҳалари чукур испоҳотлар майдонига айланган. Бу жараёнда ижтимоий соҳанинг асоси ҳисобланган таълим тизимидағи ўзгаришлар ҳақида сўзламасликнинг иложи йўқ. Сўнгги йилларда таълим тизимининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш бўйича амалий ишлар ҳал қилувчи босқичга кирганини эътироф этиш жоиз.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган испоҳотларнинг асосий қисмини, албатта, олий таълим тизимидағи испоҳотлар ташкил этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимили испоҳ кишилдинг устувор йўналишларини белгилаш, мустакил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иктисодиёт тармоқларни ривожлантириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси соҳадаги янги испоҳотлар учун дебоча вазифасини бажарип бермоқда.

Жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасалари илм-фанднинг йирик ўчқолари ҳисобланиси ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирда янги-янги олий ўкув юртлари, дунёдаги етакчи университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда. Бугун янги Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамиши сафида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Мамлакатдаги ҳар бир соҳа замонида хос ва мос тарзда ривожлантирилиб, ҳар бир соҳада янгилашни нафаси уфурмоқда.

Келинг, таълим соҳасидаги испоҳотлар ҳақида мухтасар тўхтатлайлик. Сабаби, кейнги йилларда юртимизда мактаб, ўрта маҳсус ва олий таълим тизимида рақобат мухитини шакллантириш, давлат-хусусий шерикчилик ва хусусий сектор ресурсларидан кенг фойдаланиш, ахолининг олий таълимни тизимлаштиришни ташкил этишни.



лим билан қамраб олинишини ривожланган давлатлар даражасига етказишга алоҳида эътибор қартилмоқда.

Мисол учун, сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 50 дан зиёд янги олий таълим муассасаси, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, юртимизда олий ўкув юртларининг сони қарийб 130 тага етди.

Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қаровли испоҳотлар Ўзбекистон Миллӣ университетида ҳам изчилиб.



**Президентимиз таъкидлаганидек:**  
“Фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иктисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланади, кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони туғилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон остонаси таълимдан бошланади десак, ўйлайманки, бутун халқимиз бу фикрни қўллаб-куватлади”.



амалга ошириб келинмоқда. Бинобарин, ҳозирги пайтда 93 та бакалавриат йўналиши, 81 та магистратура мутахассислиги бўйича 35 мингга яқин талабалар таҳсил олмоқда, шунингдек, 98 та докторантура ихтисосликлари бўйича 1000 дан ортиқ ёш тадқиқчи-лар илмий иш билан шугуулланмоқда.

Сир эмаски, улкан илмий салоҳиятга эга Ўзбекистон Миллӣ университетине таълимнинг деярли барча фундаментал йўналишларни бўйича Ўзбекистон олийгоҳларни учун республикадаги таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади. Таълим назорати, таълим сифати ва таълим натижадорлиги ҳақида сўз кетгандаги Ўзбекистон Миллӣ университети мисолида ёрқин фаолият юритилётганин алоҳида таъкидлашни истардим. Жумладан, 2023 йилда хорижий илмий тадқиқот марказлари грантлари ва хорижий илмий фонд маблағлари томонидан умумий киймати 328 000 АҚШ доллари бўлган лойиҳалар бажарилди. Шу ичиш чон этилган умумий науслар сони 3635 тани, жумладан, 821 та республика илмий журналларида, 1321 та ҳалқаро илмий журналларда, 1493 та ҳалқаро ва республика илмий анжуманларида чоп этилди. Шунингдек, 2023 йилда 97 та монография нашрдан чиқди.

Миллӣ университетимиз ҳалқаро майдонда ҳам салмоқли ютуқларга эришиб келмоқда. Хусусан, QS ҳалқаро рейтинг агентлиги натижаларига кўра, отаҳон университет дунёнинг ТОП-500 олий таълим муассасалари рўйхатидан муносиб ўрин эгаллади.

Бугун университетимизда 14 нафар академик, 250 дан ортиқ фан доктори ва профессорлар, 450 дан зиёд фан номзоди, фалсафа доктори ва доцентлар фаолият кўрсатмоқда, 1000 дан ортиқ ёш олимлар илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Президентимиз ташабbusи билан олий

таълим ташкилотлари учун академик ва ташкилий, шунингдек, молиявий мустақилликнинг берилшини ҳамда Кенгашлар вақоатларининг кенгаятгани таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, сифатли таълим хизматларини таъминлаш ва бу борада ҳукуматимиз томонидан берилган вазифаларни тўла-тўқис адо этиш орқали мамлакатимиз тараққиётни белгилаб буровчи салоҳиятни кадрлар тайёрлашга кенг имкониятлар яратади.

Олий таълим ташкилотарининг миллӣ рейтингни нуфузини ошириш мақсадида, миллӣ рейтингда сўнгги 3 йил давомида доимий равишда биринчи 3 та ўрindan биринчи эгаллаб келаётган олий таълим ташкилотларига олий маълумотли кадрлар тайёрлаш бўйича академик ва молиявий мустақиллик бериси ҳамда мустақиллик мезонлари Европа университетлари ассоциацияси стандартларига мувофиқ қабул қилинishi каби истиқоматни алоҳида таъкидлаштиришни яратади.

Ўрганишлар шуни кўрсатдиги, дунёда олий таълимнинг ўрни тобора ривожланниб бормоқда. Бугун жамиятимизда университетларнинг катта умидлар билан қараб, иктисодиётнинг ўсиши ва билимлар жамиятининг шаклланнишига ёрдам берувчи кенг кўламли вазифаларни бажарини талааб қиласи. Анъанавий таълим, илмий-тадқиқот ва инновация фаолияти билан бир қаторда олий ўкув юртлари мамлакат тараққиётда кенг иштирок этишга ва унинг интеллектуал ва инновацион салоҳиятнинг узлуксиз ўсишини таъминлашни ундумоқда.

Олий таълим аста-секин бозор муносабатларининг тўлақонли субъектига айланади.



ниб, академик мустақиллик тамойиллари асосида фаолият кўрсатмоқда. Бу эса унинг бошқарув тузилемасини фаол ўзgartаришга, функцияларни ўзgartаришга, янги молиялаштириш манбаларини топишига, янги таълим усулларини излаб топишига ва билимларни назоратни қилишга унайди. Олий таълим муассасаларининг фаолияти, бино-барин, уларни бошқариш тобора корпоратив тус олмоқда.

Кўпигина мамлакатларда олий таълим муассасаларининг ўрни ўзгариб бориши билан уларнинг Марказий ҳокимият органлари билан муносабатлari характеристи ҳам ўзгариб боради. Давлат назорати аста-секин камаймоқда. Ўтган ўн йиллик мобайнида, деярли бутун дунёда, олий таълим тизими рақобат-бардошлигини ягона бир хил ўлчов сифатида намоён бўладиган, уларга янада эркинлик, динамизм, мослашувчаник ва самардорликни бериш мақсадида олий таълимни бошқариша тизимли ва институционал даражада кенг кўламли испоҳотлар кузатилмоқда.

“Бошқарув” тушунчасининг тўлиқ кўламига қарамасдан, олий таълим контекстидаги ҳар доими университетларнинг мустақиллиги, академик эркинликлари ва институционал жавобгарлиги билан бевосита боғлиқ. Бугунги кунда олий таълимни бошқариши тизимларининг мустақиллиги, жамоавийлиги (коллегиаллиги) ва шаффоғлиги бутун дунёдаги энг самарали фаолият кўрсатаётган таълим тизимларининг ажралмас хусусиятларига айланади.

Аксариёт эксперт ва таҳлилчиларнинг ишларини умумлаштириб, институционал мустақилликнинг учта асосий шаклини ажратиб кўрсатиш мумкин: бошқарув, академик ва молиявий. Шу билан бирга штатлар комплектацияси эркинлиги, яъни кадрлар мустақиллиги университетнинг маъмурий мустақиллигига сингидилади. Мазкур тасниф энг аввали америка олий таълим тизимига нисбатан кўлланилади.

Европа таълим маконида кадрлар мухити институционал мухитининг мустақил элементи сифатидаги қаралади.

**Академик мустақиллик мезонлари:**  
— олий таълим муассасаларига кабул килиши тартиби ва талабалар сонини белгилаш;

— академик дастурлар мазмуни ва таълим тилини белгилаш;

— мутахассислар бўйича таълим дастурларини яратиш ва ёпиш;

— таълим сифатини таъминлаш бўйича механизмлар ва тузулмаларни танлаш;

**Молиявий мустақиллик мезонлари:**  
— заҳирани шакллантириши ва давлатнинг молиялаштириши профицитини сақлаш;

— таълим учун тўлоғни белгилаш;

— молиявий бозорларда қароз олиши ва инвестиция киритиш;

— акция ва облизацияларни чиқариш;

— университет эгаллаб қарорларини беради таълимни тизимларни таъминлашни.

Академик мустақиллик мезонлари — академик дастурлар, таълимнинг усуллари ва йўналишлари, фанлар, даражалар бериси, тадқиқотнинг мақсад ва усуллари ҳақида карорлар қабул килиши;

**Молиявий мустақиллик** — молиявий маблағларни қабул қилиши ва тасарруf этиши;

Сўнгги бир неча ўн йилликлар мобайнида олий таълимни давлат томонидан молиялаштириши тизими деярли бутун Европа майдонида ўзгаришларга юз тутди. Аввало, бу олий таълим институтиниң иктисодий ривожланнишига ролининг ўзгариши ва натижадорлиги кўпроқ молиявий мустақиллик бериси зарурати билан боғлиқ.

Энг асосиси, жаҳондаги энг илғор таълим масканлари стандартларига мос холда Ўзбекистон Миллӣ университетидаги сифатли таълимни яратиш, ёш олимлар ва иктидорли талабаларни кўллаб-куватлаш, шартномалар тузиш, мансабдор шахслар ва бошқарув органларини сайлаш;

**Ходимлар (кадрлар) мустақиллиги** — ишга қабул қилиш, рағбатланиши ва ишҳақини белгилаш.

Бугунги кунда жаҳон иктисодиётининг

таълим соҳасида амалга оширилаётган истиқболли вазифалар, ўзининг долзарблари ҳамда амалий аҳамияти билан бошқа соҳалардаги испоҳотлардан аспо қолишмайди. Чунки ушбу соҳадаги испоҳотларни янада кенг кўламда давом этишир давр таъбидир.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган истиқболли вазифалар, ўзининг долзарблари ҳамда амалий аҳамияти билан бошқа соҳалардаги испоҳотлардан аспо қолишмайди. Чунки ушбу соҳадаги испоҳотларни янада кенг кўламда давом этишир давр таъбидир.

**Шуҳрат ТОШМАТОВ,**  
**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллӣ**  
**университетининг ўкув ишлари бўйича**  
**прокретори,**  
**иктисодиёт фанлари доктори,**  
**профессор.**



